

## **МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ АХБОРОТ БИЛАН ИШЛАШ КЎНИКМАСИ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЗАРУРАТИ**

**Назаров Акмал Нариманович**

Марказий банкнинг Жамоатчилик билан алоқалар ва  
коммуникацион сиёсат департаменти директори

### **АННОТАЦИЯ**

*Мазкур илмий мақолада сўнгги йилларда Ўзбекистонда ижтимоий тармоқлар орқали аҳолининг эркин ахборот алмашинуви, турли ахборот хуружлари даврида давлат идора ва ташиқлотларининг муносиб ахборот сиёсатини олиб бориши зарурати, принциплари хусусида сўз боради. Шунингдек, муаллиф Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида бу борада амалга оширилаётган ишлар ва тажрибаларига тўхталиб ўтган.*

**Калит сўзлар:** *Ахборот, жамоатчилик билан алоқалар, маҳаллий бошқарув органлари, давлат идоралари, ахборот сиёсати.*

### **АННОТАЦИЯ**

*В данной научной статье говорится о свободном информационном обмене населения через социальные сети в Узбекистане в последние годы, о необходимости и принципах соответствующей информационной политики государственных учреждений и организаций в период различных информационных атак. Также автор коснулся работы и опыта Центрального банка Республики Узбекистан в этом направлении.*

**Ключевые слова:** *Информация, связи с общественностью, органы местного самоуправления, государственные органы, информационная политика.*

### **ABSTRACT**

*This article discusses the free information exchange of the population through social networks in Uzbekistan in recent years, the necessity and principles of appropriate information policy of state agencies and organizations during various information attacks. Also, the author touched upon the work and experience of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan in this regard.*

**Keywords:**

### **КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION)**

XXI аср глобаллашув шароитида бир томондан, глобал ижтимоий тармоқлардаги ахборотлар оқими, иккинчи томондан, жамиятнинг жадал суръатларда ривожланиши жамият турли қатламлари вакилларининг

ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ахборот билан ишлай олиш малакаси ва ижтимоий компетентлигини оширишга эҳтиёжни тақозо этмоқда. Бу жиҳат, айниқса, давлат бошқаруви органлари, қолаверса, маҳаллий бошқарув тизими, унинг самарадорлигини ошириш талаби билан ҳам уйғунлашиб кетмоқда.

Давлат органларида бошқарув фаолияти самарадорлиги кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларига дахлдор у ёки бу муаммолар юзасидан асосли қарорларни қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотни олиш ва тарқатишнинг тўлақонлилиги, ишончилиги ҳамда долзарблигига боғлиқ. Жамиятни ахборотлаштириш билан боғлиқ янги жараёнлар натижасида давлат ҳокимияти ва бошқарувининг марказий ҳамда маҳаллий органларининг вазифалари, мақсадлари, фаолият тамойиллари ўзгарди. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг: “Мамлакатимизда давлат органлари фаолиятида очиқлик ва ошкоралик тобора кенгайиб бормоқда. Сенатор ва депутатлар, вазир ва ҳокимлар, барча бўғиндаги мансабдор шахслар фуқаролар билан юзма-юз учрашиб, уларнинг дарду ташвишлари билан қоғозда эмас, амалда жиддий шуғулланмоқда. Яъни, авваламбор, давлат органлари халқ учун, ҳар бир фуқаро учун очилиб, улар билан фаол мулоқот олиб бормоқда” [1], деб қайд этгани ҳам ёрқин мисолдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳалардаги ислохотлар, энг аввало, аҳолининг нафақат моддий, балки ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва бу жараёнда тўғри ахборот билан таъминланганлиги, бошқарув органидан тортиб маҳаллий тизим, қуйи босқичгача жамоатчилик билан алоқаларнинг мақсадли ва манзилли амалга оширилиши талаби билан уйғунлашган. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда барча соҳаларни ривожлантириш, жамиятни янгилаш ва инсон манфаатларини тўлақонли рўёбга чиқариш борасида олиб борилаётган ислохотлар натижадорлигини таъминлашда муҳим ва етакчи куч вазифасини ўтаб берувчи маҳаллий бошқарув органлари фаолият мезонларини ҳам замон талабига мослаб ўзгартириб бориш, жамоатчилик билан ишлаш вазифасини ривожлантириш талабларига мос ҳолда ташкил этишни долзарб қилиб қўймоқда.

## **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОД / LITERATURE REVIEW)**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, Ўзбекистон*

Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги (1997), “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги (2002), “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги (2014) қонунлари ҳамда Президентнинг “Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириши тўғрисида”ги ПФ-5148-сонли (2017) ва “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириши тўғрисида”ги ПФ-5430-сонли (2018),

2022

йил

28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 апрелдаги “Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиши, келишиши ва рўйхатдан ўтказишининг ягона электрон тизимини жорий этиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги 218-сонли қарори ва бошқа соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлат ва аҳолининг ахборот майдонидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шу билан бирга маҳаллий давлат органлари томонидан аҳолига ўз вақтида зарур ахборотни етказиши, очиқлик ва шаффофлик принципларига амал қилиши ва қатор бошқа вазифалар белгилаб берилган.

### **МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION)**

Ўзбекистонда ҳам сўнгги беш йилда ахборот майдонида жиддий ўзгаришлар юз берди. ОАВ ва жамоатчиликка сўз ва фикр эркинлиги учун кўринмас деворлар олиб ташланди, журналист ва блогерлар турли танқидий ва таҳлилий материаллари билан кенг омма орасига кириб борди, турли интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда аҳолининг тезкор ахборот алмашинуви фаоллашди.

Медиа маконда юзага келаётган чақириқларга тезкорлик билан муносиб жавоб қайтариш, мамлакатда амалга оширилаётган улкан миқёсдаги ислохотлар тўғрисидаги кенг қамровли маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш мақсадида Президентнинг 2019 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарор ижроси билан деярли барча давлат идоралари қатори Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ҳам ахборот хизмати фаолияти қайта ислох қилинди. Марказий банкда ва банк тизимидаги “ислохотларнинг мақсади, вазифалари ва натижалари ҳақида тезкор, ҳолис ва тўлиқ ахборот етказиши...

мақсадида” [2] алоҳида таркибий тузилма сифатида Жамоатчилик билан алоқалар ва коммуникацион сиёсат департаменти ташкил этилди.

Маълумки, Марказий банк фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бу давлатда пул-кредит сиёсатини олиб бориш ва инфляция кўрсаткичларини белгилаш ҳисобланади. Шу боис янги департаментнинг муҳим вазифаси этиб аҳолига Марказий банк томонидан олиб борилаётган инфляцион таргетлаш режимида коммуникация сиёсатини юритиш ва уни такомиллаштириш мақсади қўйилди.

Коммуникация – Марказий банкнинг инфляцион таргетлаш режимида олиб бораётган пул-кредит сиёсатининг муҳим таркибий қисмига айланди. Шу боис коммуникация сиёсатининг стратегияси, мақсади трансмиссион механизмлар – фоиз ставкаси, валюта курси, нарх динамикаси, банк тизими ликвидлигини бошқариш, иқтисодийнинг жорий ва кутилаётган ҳолати тўғрисидаги прогнозларни жамоатчиликка етказишга қаратилди.

Пул-кредит сиёсатининг трансмиссион механизмида коммуникация сиёсати жамоатчиликда ахборот бўшлиғини тўлдириш, улардаги иккиланишларни имкон қадар пасайтириш, инфляцион таргетлаш режимининг пировард-мақсади бўлган пулнинг харид қобилияти, молиявий барқарорлик ҳолати ва унинг яқин истиқболдаги прогнозлари бўйича аниқ тасаввур ҳосил қилиш, Марказий банкнинг нуфузи ва сиёсатига ишончни оширишдек муҳим вазифаларни амалга ошириш.

Пандемия янги тўлқинининг иқтисодий самарадорликка, аҳоли даромадларига таъсири, макроиқтисодий вазиятга бўлган ташқи босимлар жамоатчилик ва бизнес субъектларининг пул-кредит бозори, нархлар, инфляция кўрсаткичлари борасидаги ахборотларга бўлган қизиқишини орттирди. Локдаун шароитида ўзини ўзи ҳимоя қилишга қаратилган чорловлар ва айрим чекловларнинг сақланиб қолишига қарамай, Марказий банк инфляцион таргетлаш режимининг асосий – очиқлик, ишончлилик, тўлақонлилик, шаффофлик, мунтазамлик ва тезкорлик принципларида собит қолди.

Марказий банк қабул қилинган қарорлари, сиёсати, баҳо ва прогнозларини жамоатчиликка ўз вақтида етказиш чораларини кўриб борди, мавжуд алоқа каналларини янгича услуб ва тамойилларда кенгайтди.

Ҳозирда Марказий банк расмий веб-сайти – [cbu.uz](http://cbu.uz) билан бир қаторда, [telegram](#) мессенжери, [facebook](#), [instagram](#), [twitter](#), [linkedin](#), [youtube](#) ҳамда [odnoklassniki](#) ижтимоий тармоқларида ҳам ўз саҳифасига эга.

Шу билан бирга, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича махсус веб-портал – [finlit.uz](http://finlit.uz) нинг контенти бойитиб борилмоқда.

## **НАТИЖАЛАР (РЕЗУЛЬТАТЫ / RESULTS)**

Пул-кредит сиёсати концептуал асосларининг кескин ўзгариши ва буни коммуникация каналлари орқали кенг тарғиб қилиниши билан оммавий ахборот воситалари, маҳаллий ва хорижий экспертлар, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг Марказий банк ахборотларига бўлган қизиқиши ҳам ортмоқда.

Марказий банк пул-кредит сиёсатининг концептуал асослари, мақсади ва қарорларини кенг жамоатчиликда етказишда ва улар томонидан тўғри қабул қилинишида шаффофлик тамойилларига оғишмай амал қилинмоқда. Такдим этилаётган шарҳларнинг объектив маълумотларга бойлиги ва хулосаларнинг асослантирилиши, содда тилда баён этилиши уларнинг оммабоплигини таъминламоқда. Масалан, ҳар ой ўтказиладиган “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари шарҳи”ни тайёрлашда кенг жамоатчилик учун ижтимоий тармоқлар орқали сўровнома эълон қилинади. Сўнгги пайтда мазкур сўровномада иштирок этувчилар сони ошиб бормоқда. Ҳар бир сўровнома жавоблари экспертлар томонидан диққат билан ўрганилиб, маълумотлар билдирилган фикрлар асосида ҳолис шакллантирилаётгани туфайли кузатувчилар ва кенг жамоатчилик томонидан қизиқишларга сабаб бўлмоқда.

Кенг жамоатчиликни пул-кредит сиёсати ва банк тизимидаги ўзгаришлардан хабардор қилиш ва банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган зарур ахборот ва маълумотлар кўлами ҳамда мулоқот каналларидан унумли фойдаланиш чоралари кўрилмоқда.

Марказий банкнинг коммуникацияси ўзгараётган ахборот муҳитида кенг аудиторияни қамраб олишни кўзда тутди ва бу йўналишдаги ишлар самарасини Марказий банк расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига ташриф буюрувчилар сони ва географиясидаги ўзгаришларда кўриш мумкин. Масалан, 2022 йилда бир йил аввалгига нисбатан расмий веб-сайтга республикамиз бўйлаб ташриф буюрувчилар сони 78,3 фоиз, хорижий давлатлардан эса 31,7 фоиз ўсди. Ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар обуначилари сони эса 2022 йил 1 январь ҳолатига нисбатан қарийб бир ярим баробарга кўпайди.

<b>№</b>	<b>Веб-сайт ва ижтимоий тармоқлар</b>	<b>Обуначилар сони (01.01.2022)</b>	<b>Обуначилар сони (31.12.2022)</b>
1.	Веб-сайт	4 850	8 300
2.	Telegram	19 663	23 882

3.	Facebook	5 095	5 800
4.	Instagram	4 454	8 996
5.	Youtube	665	1 440
6.	LinkedIn	3 189	4 276
7.	Twitter	420	500
	<b>Жами</b>	<b>38 336</b>	<b>53 194</b>

Расмий веб-сайт Марказий банк коммуникациясининг асосий платформаси бўлиб қолмоқда. 2022 йил давомида 30 марта онлайн брифинг, матбуот анжумани ва семинар-тренинглари ташкил этилиб, маълумотларни реал вақт режимида эълон қилиниши таъминланди.

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Марказий банкнинг расмий веб-сайтига 430 та хабар, 14 та пресс-релиз, 71 та шарҳ, 3 та маъруза ва нутқ, Марказий банк ва кредит ташкилотлари фаолиятига доир 150 дан зиёд статистик ва бошқа маълумотлар, 200 дан ортиқ инфографикалар жойлаштирилди.

Шу билан бирга, расмий веб-сайтда банк тизими фаолиятига оид 26 та Қонун, Президентнинг 34 та қарори ва 30 та бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар жойлаштирилиб, банк тизимининг меъерий-ҳуқуқий асослари бўйича маълумотлар базаси шакллантирилган.

Марказий банкнинг раҳбар ва масъул ходимлари доимий равишда кўрсатув, семинар, конференция ва давра суҳбатларида иштирок этиб, улар томонидан пул-кредит ва валюта соҳаси ҳамда банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳот ва трансформациявий ўзгаришлар ҳақида жамоатчиликка долзарб маълумотлар тақдим этиб борилмоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг банк-молия мавзусини ёритадиган вакиллари учун ҳар чоракда семинар-тренинглари, жорий этилаётган янги механизм, ҳар бир қабул қилинаётган янгилик ва ўзгаришлар ҳамда меъерий ҳужжатлар юзасидан медиа-мулоқотлар ўтказиб бориш амалиёти йўлга қўйилди ва сўнгги машғулотда 20 дан зиёд журналист ва блогернинг малакаси оширилди.

Марказий банк томонидан коммуникация сиёсати доирасида жамоатчиликка тақдим этилаётган материалларнинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига янада қулай ва тушунарли шаклда етказилиши учун инфографика ва видеоматериаллардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди.

## **ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION)**

Жамоатчилик билан алоқалар юзасидан олиб борилган изчил ва тизимли ишлар натижасида Марказий банк давлатнинг очик, изчил пул-кредит сиёсатини олиб боровчи, банк тизими барқарорлиги, тўлов тизимларининг самарали, хавфсиз фаолият кўрсатишини таъминловчи регулятив органи сифатида ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаб бормоқда.

Ахборот каналлари орқали очиклик принциплари асосида мунтазам ва тезкор маълумотлар бериб борилиши аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг пул-кредит сиёсатини тушуниш кўлами ошишига хизмат қилмоқда. Бунинг исботи сифатида сўнги вақтларда аҳоли ва тадбиркорларнинг фикрларини сўровнома асосида ўрганиб, шакллантириладиган инфляцион кутилмаларда [3] иштирок этувчиларнинг, Марказий банк расмий саҳифалари фойдаланувчилари ва кузатувчилари сонининг, шунингдек, ижтимоий тармоқларда ва Марказий банкка мурожаатлар ва таклифларнинг ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Марказий банкнинг жамоатчилик билан алоқалар йўналишидаги натижалари ҳам биргина ташкилотдаги ҳолат орқали давлатимиз томонидан маҳаллий давлат органларида ахборот хизмати фаолиятининг ислоҳ қилиниши қандай муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Ахборот хизматлари томонидан аҳолига узлуксиз равишда ахборот ва тушунтиришлар бериб борилиши улардаги давлат идораларида олиб борилаётган ислоҳотларга нисбатан ишончсизликни йўқотиш билан бирга, халқнинг ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий, тиббий ва бошқа йўналишлардаги билими ва маданиятини ҳам мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бунинг натижасида ҳар бир фуқарода мамлакат равнақига нисбатан даҳлдорлик, давлат идораларининг эса жавобгарлик ҳиссини ошириб, жамоатчилик назоратининг яхшиланиб бориши, коррупцион ҳолатларнинг камайишига хизмат қилади.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ ( REFERENCES)**

1. Ш.М.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда” сарлавҳали “Янги Ўзбекистон” газетасига 2021 йил 16 август куни берган интервьюсидан <https://yuz.uz/news/yangi-ozbekiston-demokratik-ozgarishlar-keng-imkoniyatlar-va-amaliy-ishlar-mamlakatiga-aylanmoqda>.
2. 2019 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори, 3-хатбоши.

3. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари шарҳи <https://t.me/centralbankuzbekistan/7496>.
4. Чумиков А. Паблик Рилейшнз и связь с общественностью. М.: 2000. С, 121.
5. Синяева Е. Связь с общественностью в коммерческой сфере. М.: 1999, С, 17.
6. Nazarov, A. (2021). Challenges to Uzbekistan's secure and stable political development in the context of globalization. *Journal on International Social Science*, 1(1), 26-31.
7. Назаров, А. Н. (2022). ЯНГИ ДУНЁВИЙ ТАРТИБОТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ЖАРАЁНИДА СИЁСИЙ ТАРАҚҚИЁТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ. *Oriental Journal of History, Politics and Law*, 2(2), 21-25.
8. Назаров А.Н. Глобализация и политическое развитие. «Вопросы политологии» научный журнал. Выпуск 9 (85), Том 12, 2022. С, 3014-3021.
9. Назаров А.Н. ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАР – МАМЛАКАТИМИЗ ИДОРА ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ. *International journal of Consensus* Vol.2, No.4, 2021. Pages 27-32.
10. Акмал Назаров. PUBLIC RELATIONS – ЖАМИЯТДА ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ. *Oriental Journal of History, Politics and Law* Vol.2, 2022. Pages 134-139.